

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ДОИРАСИДА АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ТАҲЛИЛИ

Узоқов Фирдавс Фаррух ўғли

ИИБ Академияси 3-ўқув курси 318 гуруҳ курсанти.

Аннотация: Мақолада, бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш орқали жиноятларни эрта олдини олиш ва уларнинг содир этилишига йўл қўймаслик билан боғлиқ хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинган ва ижобий жиҳатларига баҳо бериш орқали тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: уюлмаган ёшлар, ҳуқуқбузарлик, жиноят, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, таъсир чораси, ижтимоий ҳимоя, руҳий таъсир, жисмоний зўрлик ишлатиш, ҳимояланиш чоралари.

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида ички ишлар органларининг самарали фаолияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Бугунги кунда янгиланаётган Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторидан жой олишида, унинг халқаро майдондаги обрўси ва нуфузини оширишда, мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлашда, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ички ишлар органларининг ҳар бир ходими масъулдир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси замонавий жамиятнинг муҳим масалаларидан бири бўлиб, у жиноятчилик даражасини пасайтириш, жамоа хавфсизлигини таъминлаш ва ижтимоий барқарорликни оширишга хизмат қилади. Халқаро амалиётда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш стратегиялари ҳар хил бўлиб, улар маҳаллий шароитлар, қонунчилик ва ижтимоий омилларга асосланади. Масалан, ривожланган давлатларда профилактика ҳам ижтимоий (масалан, болалар ва ёшлар билан ишлаш), ҳам вазиятга асосланган (масалан, муҳитни ўзгартириш) усулларни ўз ичига олади. Ушбу мақола айрим хорижий давлатларнинг тажрибасини таҳлил қилиш орқали уларнинг самарали стратегияларини кўриб чиқади ва қиёсий жиҳатларни ажратиб кўрсатади.

Россия Федерациясида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари Президенти томонидан



белгиланади. Россия Федерациясида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимининг ҳуқуқий асослари мамлакат Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари, халқаро шартномалар, федерал конституциявий қонунлар, 2016 йил 23 июндаги “Россия Федерациясида жиноятчиликнинг олдини олиш тизимининг асослари тўғрисида” қонуни ва бошқа қонунлар, Президентнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Россия Федерацияси ҳукумати, федерал ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек Россия Федерацияси субъектларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва жиноятчилик соҳасидаги масалаларни тартибга солувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади. “Россия Федерациясида жиноятчиликнинг олдини олиш тизимининг асослари тўғрисида” қонунга мувофиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг мақсади шахс, жамият ва давлатни ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишдир.

Мазкур қонунга асосан профилактик тадбирларнинг турлари: 1) ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа сабабларни ва шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, йўқ қилиш (минималлаштириш, зарарсизлантириш)га қаратилган ҳуқуқбузарликларнинг умумий олдини олиш ёки федерал, минтақавий, маҳаллий ва идоравий даражалар, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқий онги даражасини ошириш; 2) ушбу шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ижобий тузатиш, криминоген фактларни йўқ қилиш ёки зарарсизлантириш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимининг субъектлари томонидан шахснинг жиноятгача бўлган хатти-ҳаракатлари фактлари асосида амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг индивидуал профилактикаси. Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича мажбурлов чоралари эса:

- 1) профилактик суҳбат;
- 2) ҳуқуқбузарликлар содир этишига олиб келадиган сабаблар ва шартларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш;
- 3) ҳуқуқбузарнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан махсус талабларни белгилаш;
- 4) профилактика ҳисобга олиш ва назорат;
- 5) суд томонидан белгиланган тиббий мажбурлов чоралари;
- 6) маъмурий назорат;



7) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда профилактика тизими субъектлари томонидан қўлланиладиган ҳуқуқбузарликларнинг индивидуал профилактикасининг бошқа чоралари кабилар киради.

Беларусь Республикасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш 2014 йил 4 январдаги “Ҳуқуқбузарликлари профилкатикаси асослари тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Мазкур қонуннинг 6-моддасига асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари:ички ишлар органлари; прокуратура органлари;давлат хавфсизлик органлари; чегара хизмати органлари; божхона органлари; давлат муҳофазаси органи;

Давлат назорат қўмитаси; фавқулодда вазиятлар бўйича органлари ва бўлимлари;

Қуролли Кучлар, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари, бошқа давлат ҳарбий тузилмалари ва ҳарбийлаштирилган ташкилотлар; маҳаллий ижро этувчи ва маъмурий органлар; Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ижроия қўмиталарининг таркибий бўлинмалари; Таълим вазирлиги; Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари; Адлия вазирлиги, вилоят ижроия қўмиталарининг таркибий бўлинмалари, Минск шаҳар Ижроия қўмитаси, одил судлов соҳасида давлат ва ҳокимият ваколатларини амалга оширади;

Президент ҳузуридаги Ҳайвонот дунёси ва флорани муҳофаза қилиш давлат инспекцияси; давлат оммавий ахборот воситалари таҳририятлари вазифалари юклатилган юридик шахслар; ҳуқуқни муҳофаза қилиш жамоат пунктлари кенгашлари;ихтиёрий отрядлар; жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш Белорусия Республикаси Бош прокурори ва ҳудудий ва транспорт прокуратураларининг бўйсунувчи прокурорлари томонидан, шу жумладан жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар томонидан олиб борилади. Германияда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бирламчи, иккиламчи ва учинчи даражали профилактикага ажратилади. Бирламчи омил ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ижтимоийлик адолат туйғусининг шакллантиришга муҳим аҳамият касб этади.

Иккиламчи омил полиция томонидан амалга оширилади ваҳуқуқбузардан сақланишнинг қонуний воситалари билан боғлиқ. Учинчи



даражали профилактика – бу ҳуқуқбузарларни жазолаш ва қайта ижтимоий ҳаётга мослаштириш жараёнида қўлланиладиган профилактика чоралар ва воситалар йиғиндисидан иборат. Германия полиция амалиётида ҳуқуқбузарликлар кўпинча ҳимоясиз жабрланувчи ёки объект билан учрашганда содир этилади деган тезис кенг тарғиб қилинади. Шунинг учун профилактика чоралари ҳуқуқбузарга ёки хавфсизлик тизимида ёки потенсиал жабрланувчига (индивидуал, умумий ва жабрланувчининг профилактикаси) қаратилган бўлиши керак. Ушбу учликда ҳимоя профилактикаси ва унинг ўзини ўзи ҳимоя қилишга қаратилган аҳоли билан мақсадли ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Худди шу мақсадда ҳозирги кунда ҳам ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича маслаҳатларни бепул тарқатиш, радиоешиттиришлар ва телевизион дастурларда намоиш этиш амалиёти кенг тарқалган. Хусусан, полицияси томонидан “Ҳуқуқбузар полицияси маслаҳат беради” номли ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича махсус дастур мавжуд бўлиб, унинг асосий ғояси полиция ходимининг жамоатчилик билан кенг алоқасини таъминлашга хизмат қилади. Фуқароларнинг патрул хизматидаги иштироки Канадада кенг қўлланилади. Полиция билан биргаликда фуқаролик патрули ҳуқуқбузарлар кўркувини камайтиради ва шахсий хавфсизлик туйғусини оширади. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар ошган ҳудудларда махсус назорат постлари жойлаштириб келинади. Буюк Британияда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш учун минимал стандартлари ишлаб чиқилган бўлиб, аҳолини полиция билан ҳамкорлигини ошириш учун кенг қўлламли махсус чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, фуқароларнинг патрул хизматида ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойларда махсус навбатчилик қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Хатто, полиция ишида иштирок этиш фикрини билдирган фаол аҳоли вакиллари учун полиция транспорт воситаларида ҳаракатланиш, полиция кийимларида бўлиш (нишонлар ва хизмат лавозимларисиз холда), радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш, таёқчалар, кишан ва ҳатто қуролларни олиб юриш ҳуқуқларига эга бўлиш амалиёти ҳам йўлга қўйилган. Мазкур ҳуқуқларнинг берилиши ортида полиция ишида иштирок этувчи фуқаролар томонидан ҳуқуқбузарликларни олдини олишда хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, уларни махсус органлар зиммасидаги маъсулият ҳиссини уйғотишга хизмат қилиди деб баҳоланиб,



хукумат томонидан бундай чора-тадбирларнинг барчаси жамият ва давлат томонидан қўллаб келинмоқда.

Ғарбий Европа ва АҚШда шахсларни, оилани, уй ва мол-мулкни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш мавзуларида кўплаб машҳур қўлланмалар мавжуд бўлиб мазкур турдаги қўлланмалар полиция органлари томонидан ҳудудларда аммавий равишда тарқатилиши ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бундай вазиятга тушиб қолганда қандай ҳаракатларни амалга оширишини очиб беради. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ёшлар саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, ривожланган мамлакатларда ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш ва содир этилганда жавобгарликка тортилиши тушунчалари ҳақидаги амалий дарслар бошланғич мактаблардан тортиб то олий ўқув юртларигача бўлган барча таълим муассасаларида ўқитиб келинади. Истаганлар нафақат маърузаларни тинглашлари, балки махсус тайёргарликдан ўтиш орқали ўзини ҳимоя қилиш усуллари ва экстремал вазиятларда мақбул хатти-ҳаракатларни амалга оширишни ўзлаштирадilar. Ҳуқуқбузарликларига қарши курашни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий билимларини бойитиш, ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқбузарнинг тақдирини ҳал этишдаги бурч ва жавобгарлик ҳиссини ошириш, жамоат тартибини муҳофаза қилиш орқали ушбу соҳада юқори натижаларга эришишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/8440>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
3. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.



4. Таштемиров А., Курчибоев Ж. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида таълим ва тарбиянинг ўрни ва аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-135.

5. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

6. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

7. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий профилактика объекти сифатида алкоголизм таъсиридаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //So 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 552-558.

8. Tashtemirov A., Po'latov A. Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 75-78.

9. Таштемиров А., Нурматов Н. Айрим хорижий давлатларнинг тезкор қидирув фаолиятида соҳавий ҳамкорликнинг таҳлили //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 190-197.

10. Таштемиров А. А. и др. Зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси ва ўзига хослиги //Innovative achievements in science 2024. – 2025. – Т. 4. – №. 37. – С. 82-90.

11. Tashtemirov A., Baxtiyorov S. Profilaktika inspektorining jinoyat ishlar bo 'yicha sudlar bilan hamkorligining o 'ziga xos xususiyatlari //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 38-42.

12. Таштемиров А. А. и др. Психологическая поддержка деятельности инспекторов профилактики в работе с лицами, осужденные к наказанию исправительные работы //International scientific research conference. – 2024. – Т. 3. – №. 28. – С. 97-102.

13. Tashtemirov A., Usmonova Y. Profilaktika inspektorining yashash manzillaridan uzoq muddatga ketgan shaxslar bo'yicha ishlash faoliyatini huquqiy ta'minlash //Наука и технология в современном мире. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 59-61.

14. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинладиган жазо тизимининг ўзига хослиги





//Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 42-48.

15. Таштемиров А. А. Йулларда харакатланишни тартибга солишнинг ҳукукий жихатлари ва бу борада технологиянинг аҳамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.

